



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

2006 йил, 26 январь, пайшанба

XXI АСР
САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Кеча Олий Мажлисининг Конунчилик палатасида мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган барча партиялар фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Унда муҳим масала — мамлакатимиз Президентининг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Дастури тўғрисидаги Қароридан келиб чиққан ҳолда партия ва фракцияларнинг 2006 йилга мўлжалланган иш режалари муҳокама этилди.

● Жиззах вилояти Давлат солиқ бошқармасида бўлиб ўтган ҳудудий семинарда мамлакатимиз Президентининг солиққа оид Фармон ва Қарорларининг вилоятда ўтган йилдаги ижроси муҳокама этилди. Тадбирда вилоятда фаолият кўрсатаётган барча ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари, бош ҳисобчилар ва тадбиркорлар қатнашди.

● Каттакўрғон шаҳрида россиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда яна бир янги қўшма корхона иш бошлади. «Ингичка-Мелос» деб номланган мазкур корхонада вольфрам технология чикиндилари қайта ишланиб, ундан қимматбаҳо тошлар олинади. Шу билан бирга, ҳамкорлар кон қазии ишларини ҳам олиб борадилар. Янги қўшма корхонанинг ишга тушиши билан 40 нафар киши иш билан таъминланди.

● Ўзбекистон ва Россия давлатлари ўртасидаги иқтисодий алоқалар тобора ривожланиб бормоқда. Хусусан, «Ўзбекнефтьга» миллий ҳолдинг компанияси ва Россиянинг «Строймашсервис» компанияси ўртасида ўрнатилган яқин ҳамкорлиқнинг самараси ўлароқ Амударё тумани аҳолисини узлуксиз табиий газ билан таъминлашни янада яхшилаш мақсадида дарё остидан мустаҳкам, хавфсиз саналган туннелли газ қувурини ўтказиш режалаштирилди.

● Бугунги кунда Қорақўл туманида 1300 та фермер ҳўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Мазкур ҳўжалиklar раҳбарлари учун Бухорода махсус семинар-тренинг ташкил этилди. Семинар давомида фермерларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, меҳнат ресурсларидаги оқилона фойдаланиш тартиби, давлат буюртмаси бўйича етиштирилган маҳсулотларни сотиш, ҳўжаликлари билан ёилги-мойлаш материаллари билан таъминлаш каби масалалар ҳар томонлама муҳокама этилди.

● «Асак» банкининг Фарғона вилоят филиали ўтган йили 25 мингта сўм пластик картчаларини муомалага чиқарди. Уларнинг аксарият қисми ишчи ва хизматчиларга ойлик иш ҳақини ўз вақтида тўлашни таъминлашга мўлжалланган. Жорий йилнинг январь ойига келиб эса вилоятда ойлик иш ҳақи ва бошқа тўловлари сўм пластик картчалари билан тўловчи ҳўжалик юритувчи субъектлар сони 292 тага етди.

● 7-8 февраль кунлари Тошкентда Қозоғистон, Туркменистон, Қирғизистон, Тожикистон, Афғонистон ва Ўзбекистон шахмат федерациялари вакиллари иштирокида саммит бўлиб ўтади. Марказий Осиёда шахматни янада омивийлаштириш, иқтидорли ёшларни жалб этиш мақсадида уюштирилаётган тадбирни халқаро шахмат федерацияси президенти Кирсан Илюмжинов бошқаради.

● Ҳомийлар ва шифокорлар йилининг илк кунларида «Универсалфарм» қўшма корхонаси Наманган вилоятидаги кўплаб ёлғиз қарияларга хайрия ёрдамини кўрсатди. «Нуроний» жамғармасининг ҳудудий бўлимлари орқали мамлакатимиз қариялари қўшма корхонадан умумий қиймати 8 миллион сўмдан ортиқ хайрия ёрдамини олди.

ЖАҲОНДА

● Кеча Швейцариянинг Давос шаҳрида 36-Бутунжаҳон Иқтисодиёти форуми ўз иштини бошлади. Форумда дунёнинг етакчи нефть ва сугурта компаниялари раҳбарлари, МАГАТЭ раҳбари ва бошқалар иштирок этаётган бўлиб қатнашчилар асосан энергетик хавфсизлик масалаларини муҳокама қилмоқдалар.

● Кеча Фаластин мухториятида парламент сайловлари бошланди. Парламентга 132 нафар депутат сайланадиган бўлиб, сайловларда Фаластиннинг деярли барча сиёсий партиялари ва ҳаракатлари иштирок этмоқда. Дастлабки маълумотларга кўра асосий кураш мамлакатни бошқараётган ФАТХ партияси ва ХАМАС радикал ташкилоти ўртасида кечмоқда.

● Қувайтнинг Вазирлар Маҳкамаси Бош вазир Шайх Сабоҳ ал Аҳмад ас-Сабоҳни мамлакатнинг янги раҳбари этиб тайинлади. Бу қарор мамлакат парламенти томонидан тасдиқлангач, у ўтган ҳафтада ҳаётдан кўз юмган Қувайт амири Шайх Жобир ал Аҳмад ас-Сабоҳ ўрнини эгаллайди.

● Расмий Москва ва Техрон вакиллари ўртасида ўтказилган музокаралардан сўнг Эроннинг ядро дастури муаммосини МАГАТЭ доирасида кўриб чиқишга келишиб олинди. Бироқ Эрон Кремлнинг уранини Россия ҳудудида бойитиш тўғрисидаги таклифини ҳамон жавобсиз қолдирмоқда.

● Пентагоннинг расмий вакили Барри Веббнинг маълум қилишича, Ироқдаги Америка қўшинларининг сони 136 мингтагача қисқартирилди.

● Россия олимпиячиларининг дастлабки гуруҳи навбатдаги қишки олимпия ўйинларида қатнашиш учун Италиянинг Турин шаҳрига жўнаб кетди.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 27 январь кун Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёнгарчилик бўлади, туман тушади. Фарбдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 0-2 даража совуқ, кундузи 0-2 даража илқ бўлади.

МУШТАРАК МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ

ЕВРООСИЁ ИҚТИСОДИЙ ҲАМЖАМИЯТИГА АЪЗО МАМЛАКАТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДАВЛАТЛАРАРО
КЕНГАШИНИНГ САНКТ-ПЕТЕРБУРГ САММИТИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТАШКИЛОТГА РАСМАН АЪЗО БЎЛДИ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 24-25 январь кунлари Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб, Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо мамлакатлар раҳбарларининг Давлатлараро кенгашида иштирок этди.

Маълумки, «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотининг 2005 йил 6-7 октябрь кунлари Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтган саммитида МОХТ билан Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятини бирлаштиришга келишиб олинган эди. Мазкур икки ташкилотнинг мақсад ва вазифалари кўп жиҳатдан ўхшаш ва бир-бирига яқин.

Тузилмаларнинг бирлашиши тўғрисидаги келишув эса мамлакатимизнинг Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти сафидан қай олишга олиб келди.

Бу тўғрисида ўтган йилнинг октябрдаёқ келишувга эришилгани боис Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятининг эндиги саммити Ўзбекистон раҳбари Ислам Каримовнинг иштирокида Президентларнинг тор доирадаги учрашуви билан бошланди. Унда асосий диққат-эътибор мамлакатимизнинг ҳамжамиятга аъзо бўлиб кириши билан боғлиқ масалалар қаратилди. Янги шаклланаётган ҳамжамиятининг имкониятлари кенгаётгани, Ўзбекистоннинг салоҳияти Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти доирасидаги интеграция жараёнларини янада ривожлантиришда муҳим ўрин тутиши алоҳида таъкидланди.

Давлатлараро кенгашининг кенгайтирилган тартибдаги мажлисида Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди. Албатта, Ўзбекистон ҳамжамияти сафига қўшилганидан кейин ташкилотнинг мазмун-моҳияти сезиларли даражада ўзгаради. Демак, ташкилотнинг режаларини, унинг доирасидаги икки ва кўп томонлама муносабатларнинг механизмининг тубдан қайта қўриб чиқиш лозим. Президентлар бу хусусда фикр алмашар эканлар, ҳамжамиятининг фақат иқтисодий тузилма эмас, халқаро ташкилот сифатида ҳам нуфузи ошиб бораётганини таъкидладилар.

Шу ўринда Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти ҳақида. 1995 йилда тузилган Божхона иттифоқи негизида ташкил толган ҳамжамиятининг стратегик мақсадлари аъзо давлатлар ўртасида интеграцияни ривожлантиришга қаратилган. Бу мураккаб вазифа босқичла-босқич Эркин савдо зонасини ташкил этиш, кейинчалик Божхона иттифоқини тузишдан иборат. Буларнинг барчаси ягона умумий бозор шаклланишига олиб келади.

Бугун бу атаманинг моҳиятини алоҳида очишга ҳожат йўқ. Умумий бозорни ташкиллаш учун ҳозирги Европа Иттифоқини мисол келтиришнинг ўзи kiffoя. Яъни, аъзо мамлакатлар орасида ишчи кучи, товарлар ва хизматлар эркин ҳаракатда бўлади. Божхона тўловлари фақат учинчи мамлакатдан келадиган товарлар учун жорий этилади ва улар ҳам бир марта олинади.

Товарлар ва хизматлар учун икки чегаралар очик, ташқи чегара эса умумий. Шундай бўлгач, табиийки, аъзо мамлакатлар ўртасида ўзаро масъулиятлик ва айни вақтда ўзаро ишонч мустаҳкамланиб боради. Буларнинг барчаси давлатлараро муносабатларнинг иқтисодий ҳамкорлик асосида ривожлантириш, бошқача айтганда, интеграцияни ривожлантиришга хизмат қилади.

Бугунги көвеклик шундан гувоҳлик бера-

дики, яқка-ёлғиз ривож топган ёки тараққий топаётган мамлакатни топиш қийин. Куч-қудрати, имконияту салоҳияти, мавқеи қандай бўлишидан қатъи назар, ҳар бир давлат хориж билан ҳамкорлик қилишга мажбур. Бинобарин, бугунги кунда иқтисодий алоқалар сиёсий ҳамкорлиқни белгилувчи асосий омил бўлиб қолмоқда.

Ана шундай шароитда Президент Ислам Каримовнинг ташаббуси билан МОХТ билан Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятининг бирлаштирилиши замон талабларига мос ҳаракат сифатида намён бўлади.

Президент Ислам Каримов бу жараёнда Ўзбекистон манфаатлари нималардан иборат эканлигини аниқ ифодалад берди. Дастлаб шунинг қайд этиш кераки, истиқлолга эришганидан кейин мамлакатимизнинг ташқи сиёсатида, аввало, қўшнилари билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга устувор масалалардан бири сифатида қаралмоқда. Бошқача айтганда, биз қўшни сифатида бир-биримизга елкадош бўлиб, бир-биримизни қўллаб-қувватлаб, ҳамкорлиқни кенгайтириш йўлини тутмоғимиз зарур. Таъбир жоиз бўлса, ўзаро ҳамкорлик бир-биригимиз учун ҳам умумий мақсад, ҳам умумий бурч саналади.

Иккинчи томондан, ҳозирги кунда Марказий Осиёда вазият шу қадар шиддат билан ўзгармоқдаки, бундай шароитда бамаслаҳат иш юритилмаса, минтақадаги барқарорлик хавф остида қолиши ҳеч гап эмас. Бу ерда катта геосиёсий ва геоиқтисодий манфаатлар тўқнаш келаётир. Мана шу шароитдан ўз ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланмоқчи бўлаётган айрим ёвуз кучлар экстремистик ташкилотларни фитна қуроли сифатида ишга солишдан ҳам қайтмаётир.

Демак, МОХТ билан Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятининг бирлашиши орқали Евроосиёдаги олти мамлакат беҳавотир ҳаётини таъминлаш учун баҳамжихат ҳаракат қилади. Давлатлараро муносабатларда иқтисодий манфаатдорлик ҳар бир мамлакатни ўзаро ишончини мустаҳкамлашга ундайди. Бу эса ўзаро ҳамкор давлатларнинг бир-бири учун кўпроқ қайғуришига, бинобарин, хавфсизлик соҳасидаги алоқаларнинг ҳар томонлама ривожланишига олиб келади. Зеро, халқимиз қаторда норинг бўлса, юқинг ерда қолмайди, деб беркорга айтмаган.

Ўзбекистоннинг ушбу ҳамжамиятга аъзо бўлиши Евроосиё минтақасида йирик лойиҳаларни тузиш ва амалга оширишда катта аҳамиятга эга. Транспорт коммуникациялари, энергетика, халқаро савдо — булар муҳокама учун мавзу бўладиган соҳаларнинг бир қисми, ҳоло. Айтайлик, мамлакатимизда етиштирилладиган пахта, чорва, қорақўл, поллиз маҳсулотлари ё мевалар учун Россия ёки Беларуснинг ўзи катта бозор. Мисол учун ана шундай ноёб товарлар кейинчалик Россия ва Беларус орқали Европага ҳам чиқиши оsonлашишини инобатга олсак, Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятининг имкониятлари янада ойдинлашади.

Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти сафидан қай олиши ҳамжамиятнинг ҳар бир аъзоси учун манфаатлидир. Мамлакатимиз ёнгил ва оғир саноат, савдо, машинасозлик, самолётсозлик, хизмат кўрсатиш, қишлоқ ҳўжалиги, энергетика, коммуникация, жумладан, транзит соҳасида ва бошқа йўналишларда катта имкониятларга эга.

Санкт-Петербург саммити якунида Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти таъсис этиш тўғрисидаги шартномага қўшилиши тўғрисидаги протокол ҳамда Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти Давлатлараро кенгашининг «Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятини таъсис этиш тўғрисидаги шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киришти тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасининг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлиши муносабати билан Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти органлари фаолиятини ташкилий- молиявий таъминлаш тўғрисида», «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотининг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига интеграциялашувини ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштириш тўғрисида»-ги қарорлар имзоланди.

Президент Ислам Каримовнинг Россияга мазкур ташрифи асносида Ўзбекистон-Россия ҳамкорлигига доир ва айни пайтда Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти доирасидаги алоқаларнинг ривожига бевосита таъсир этувчи яна бир неча муҳим келишувларга эришилди.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Россия Федерациясининг «Газпром» очик акционерлик жамияти ўртасида Ўзбекистон Республикаси Устурт минтақасидаги Урга, Қувонч ва Ақчалар конларини ўзлаштириш тўғрисидаги битимнинг асосий тамойил ва низомлари тўғрисидаги битим, «Ўзбекнефтьга» миллий ҳолдинг компанияси билан «Газпром» ОАЖ ўртасида Ўзбекистоннинг Устурт минтақасидаги сармовий блоklar ҳудудларида геологик тадқиқотлар ўтказишнинг асосий тамойиллари тўғрисидаги битим имзоланди.

Устуртдаги нефть-газ конларини ўрганиш ва ўзлаштириш кўзда тутуви бу ҳўжатларнинг умумий қиймати 660 миллион АҚШ долларига тенгдир. Шу тариқа, «Газпром»нинг Ўзбекистонга киритадиган лойиҳаси умумий ҳисобда 1,5 миллиард АҚШ долларидан ошади. Мазкур икки битимнинг ҳамжамият саммити доирасида имзоланиши ушбу ҳўжатларнинг аҳамияти икки томонлама муносабатлар доирасидан анча кенг эканлигига яна бир далилдир.

Саммит якунида бўлган матбуот анжуманида Президент Ислам Каримов Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлиб кириши ушбу тузилманинг салоҳиятини ҳар томонлама оширишини алоҳида таъкидлади. Биргина энергетика соҳасини оладиган бўлсак, Устурт минтақасида амалга оширилиши режалаштирилаётган лойиҳаларнинг ўзи истиқболда ҳамкорлик қўлами нечоғли кенгайишидан ёрқин далолатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Россия Федерациясига ташрифи ана шундай самаралар билан якуланди. Воқеалар ривожини ва тафсилотларни кузатиб, шунинг ишонч билан айтиш мумкинки, умумий мақсадлар йўлида ҳамжамиятлик билан ташланган бундай дадил қадамлар самараси яқин келажақда Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо мамлакатлар халқлари ҳаётида ўзининг ёрқин ифодасини топиши шубҳасиздир.

Анвар БОБОВЕВ,
ЎЗА махсус муҳбири
Тошкент- Санкт-Петербург-Тошкент
ЎЗА

стипендия, бюджет ташкилотларига ойлик маошлари вақтида тўланади. «Сихат-саломатлик йили» дастури икросини таъминлаш борасида 5 миллиард сўмга яқин маблаг, шу жумладан бюджетдан 3,5 миллиард сўм сарфланди.

Мақта таълимининг ривожлантириш Давлат умумийлиги дастури доирасида ўтган йили бюджетдан ажратилган 1,9 миллиард сўм, бошқа манбаларни қўшган ҳолда умуман 4 миллиард сўмдан кўпроқ маблаг ҳисобига халқ таълими тизимидаги 35 та объект тўдан ва жорий таъмирланди ҳамда капитал реконструкциядан чиқарилди. Бундан ташқари, мазкур дастур талабларидан келиб чиққан ҳолда кам таъминланган оилалар фарзандлари етиштириш қондирини мақсадида шаҳар мактаблари кутубхоналари ўқув дарсқилари билан тўлиқ таъминланди.

(Давоми 2- бетда)

Тошкент шаҳар ҳокимлигида

МАЖМУАЛАР САРҲИСОБИ

ШУ КУНЛАРДА ШАҲАР МАЖМУАЛАРИДА 2005 ЙИЛДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР
ҲАМДА ҲОМИЙЛАР ВА ШИФОКОРЛАР ЙИЛИ УЧУН БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАР
МУҲОКАМАСИГА БАҒИШЛАНГАН ЙИГИЛИШЛАР БЎЛИБ ЎТМОҚДА.

Жумладан, Иқтисодиёт ва ижтимоий ривожланиш масалалари бўйича мажмуа йиғилишида ўтган йили барча иқтисодий кўрсаткичлар бўйича изчил ўсишга эришилиб, бунинг ҳисобига бюджет даромадлари ҳам тўлиқ таъминлангани қайд этилди. Чунонки, 2005 йилда барча манбалар бўйича тушумлар ҳажми истикбол кўрсаткичлардан 2,4 фоизга кўп бўлди. Шаҳар иқтисодиётига 2,4 мартага кўпроқ инвестициялар жалб этилди. Экспорт қилинган маҳсулот-

лар ва хизматлар ҳажми илгариги йилларга нисбатан 4,1 фоизга ошди. Бу эса ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, инвестицияларни жалб этиш, шаҳар экспорт салоҳиятини оширишга оид дастурий вазифалар бажарилганидан далолат беради.

Иқтисодий кўрсаткичлар таҳлили яна шунинг кўрсатадики, деярли барча соҳалар бўйича ўрта ҳисобда 7-15 фоизга ўсиш бўлган. Эришилган натижаларни ҳисобга олган ҳолда йилида иқтисодий натор корхона-

ларни соғломлаштириш, уларга ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш ва ушбу жараёнда инвесторлар фаолиятини ошириш масалаларида туман ҳокимликлари ва тегишли тузилмалар кўмаклашиши лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Ўз навбатида, иқтисодиёт соҳасидаги ижобий натижалар шаҳар бош молия дастурида белгиланган барча иқтисодий вазифаларнинг ҳам тўлиқ бажарилишига асос яратди. Хусусан, ҳисобот даврида пенсия, нафақа,

ОБУНА ЙИЛ ДАВОМИДА

Азиз оқшомхон! Мана янги куч-ғайрат, эзгу орзу-умидлар билан Ҳомийлар ва шифокорлар йилига ҳам қадам қўйдик. Барча соҳалар қаторида «Оқшом» газеталари ҳам Янги йилдан янги рух, янги мазмун, янги шакл билан муштарийлар хонадонига кириб бормоқда. Тахририят аъзолари оқшомхонларнинг талаб-истакларидан келиб чиққан ҳолда ранг-баранг мавзудаги мақоаларни газета саҳифаларида ёритиб боришга ҳаракат қилмоқдалар.

Агарда газетамизга обуна бўлишга улармай қолган бўлсангиз, кунюмане, ҳаммаҳалларимизга қулайлик яратиш мақсадида йил давомида «Оқшом»га обуна бўлиш имконияти яратилган.

Сиз хоҳлаган вақтингизда шахримиздаги алоқа бўлимларига бориб ўзингиз севиб мутлола қиладиган «Оқшом»га ҳеч қандай монеликсиз обуна бўлишингиз мумкин. Ишонтириб айтаманки, қизиқарли, мазмунли, сизга манзур бўладиган янги рух ва мақоаларнинг ҳали «таҳми» бузилгани йўқ, у сизларни қутмоқда. Бир сўз билан айтганда, обуна бўлишга шовиланг.

Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон халқ шоири

БАХТИЁР ОНА ЁДГОРЛИГИ ПОЙИДА...

Тошкентим юраги — Бош
майдонимиз,
Эзулик меҳридан яшариб кетмиш.
Мустақиллик — Кўёш, олтин
қалам-ла
Тарих китобига дастхатин
битмиш.

Табаррук заминни икки кафти-ла
Бошига кўтармоқ — фахр, ифтихор,
Кўз-кўз айлар дунё харитасида
Ўзбекистон дея аталган диёр!

Гулларга бурканиб, нурга чулғаниб,
Майдон узра бош эгиб аста.
Сайру томошаси роҳатбахш,
файзли,
Қучоқларни безар гулу гулдаста.

Оқ, ҳарир либосда келинчак келар,
Ҳай-ҳай фаршга денг дуонаси-ла.
Кўёв тўрачалик бахтли одам йўқ,
Ширин орзуларга лиммо-лим сийна.

Ана, қайноналар юриб изма-из,
Қўлларин очишар шодон дуога.
Бахтли турмуш тилаб,
ёруғ кун сўраб,
Илтижо айлашар дилдан Худога...

Бағрида боласи — жон
жигарбанди,
Мамнун кулиб турмиш
Бахтиёр она.

Келурлар саждага бошларин эгиб,
Бунчалар муқаддас, азиз остона!
Тунда Оймоманинг ортар ҳаваси,
Юлдузлар маҳлиё, нурларин тўшар.
Анҳорнинг сувлари оқар ўйноқлаб,
Умр қўшиғини қуйлашиб жўшар!

Янги, хур ҳаётнинг тилсоли,
рамзи,
Эзулик Аркаси — бахт остонаси.
Бахтли келажакни бағрига босиб,
Аллааб улғайтар Ўзбек онаси!

Тошкентим юраги — Бош
майдонимиз,
Эзулик меҳридан яшариб кетмиш.
Улуғ Меъморига айтиб тасанно,
Замин китобига қалб сўзин битмиш!

МАФТУНИНГМАН, КЎҲНА ШОШ!

Шаҳарлар кўп дунёда,
Тошкентим ягонадир.
Марварид шода-шода,
Пойтахтим дурдонадир.

Осмондаги юлдузлар
Талпинди шаҳримга.
Гавҳарин асрар кўзлар,
Босгум жондай бағримга.

Кундуз Кўёш, тунда Ой
Упар пешонасида.
Дунё кирар ҳойнаҳой
Олтин дарвозасидан.

Бугун биз XXI асрда
яшаймиз. Янги асрда
тараққиёт жадаллик
билан
ривожланмоқдаки,
баъзан дунёда рўй
бераётган воқеа-
ҳодисаларни идрок
этишга ҳам улгуриш
қийин кечмоқда.

Хар дақиқада сайёрамизнинг
турли ҳудудларида ўзгаришлар,
янгиланишлар ва қутилиб қолган
воқеа-ҳодисалар содир бўлмоқда.
Хар бир кунимиз кучли ахборот
оқими остида кечмоқда. Ахборот
оқими бизни деярли ҳар жойда:
уйда, ишхона ва таътилда таъбиқ
этади. Ҳозирги замонда инсон ах-
борот таъсиридан холи равишда
нормал фаолият юрита олмайд.
Унинг ҳаёти воқеликни англаб
етиш, ахборотларни йиғиш, ўзлаш-
тириш ва уни таҳлил этиш орқали
кечади. Инсоннинг ақлий салоҳи-
яти даражаси ҳам маълум давр
ичида шахс томонидан ўзлашти-
рилган ахборотларнинг кўп ёки оз-
лиги билан белгиланади.

Ахборот асри деб эътироф
этилган XXI асрда бизнинг ҳаёти-
мизга информация технология-
лар, интернет, электрон почта,
уяли алоқалар кенг миқёсда ки-
риб келмоқда. Бундан деярли
беш-ўн йил илгари интернет ни-
малигини кўпчилик тушуниб етма-
ган бўлса, бугунги кунга келиб ун-
дан кўпчилик ўз уйларида фойда-
ланимоқда. Интернетга уланганинг
турли шакллари ва бу соҳадаги
хизматлар провайдерлар томони-
дан тақлиф қилинмоқда.

Ўзбекистонда ҳам интернет ва
компьютер технологияларини ри-
вожлантириш борасида кўпгина
ишлар олиб боришмоқда. Хусусан,
мамлакатимизда «Интернет фес-
тивали» ўтказилди. Ҳозирда бун-

Муносабат

дай тадбирлар анъанага айланган.
2001-2005 йилларда компьютер
ва ахборот технологияларини ри-
вожлантириш, «Интернет»нинг ха-
лқаро ахборот тизимларига кенг
кириб боришини таъминлаш дасту-
рини ишлаб чиқишни ташкил
этиш чора-тадбирлари тўғрисида
Ўзбекистон Республикаси Вазир-
лар Кабинети томонидан қарор
қабул қилинган.

Умуман олганда интернетнинг
имкониятлари чексиз бўлиб, ун-
дан кераклигида маълумот олиш,
бир зумда дунёнинг у бурчагидан
туриб бу бурчагига хат юбориш,
олимлар, дўстларимиз, яқин
қариндошларимиз билан бевоси-
та мулоқот олиб боришимиз мум-
кин. Бундан ташқари хорижий
мамлакатларнинг олий ўқув юр-
тлари билан алоқа ўрнатиб, фан
соҳасидаги қилинаётган янгилик-
лар билан танишиб бориш мум-
кин. Бу эса ҳақон мамлакатлари
янгиликларидан ўз вақтида хабар-
дор бўлиб, унинг ижобий томон-
ларини мамлакатимизга ҳам ўз
вақтида жорий этиш имконияти-
ни яратди.

Ҳозирги вақтда интернет орқа-
ли масофадан ўқитиш кенг йўлга
қўйилмоқда ва ривожлантирил-
моқда. Тасаввур қилингки, сиз
хоҳлаган вақтингиз, хоҳлаган жой-
ингизда (ишда, уйда, осмонда, ва
х.) ўзингизни қизиқтирган йўнали-
лиш бўйича билим эгаллашсиз.
Интернет орқали электрон кутуб-
хоналардан, олимларнинг қилаёт-
ган ишларидан бохабар бўласиз.

Интернетда дунёдаги йирик ах-
борот агентликларининг Web сай-

Ўзбек адиблари — «Оқшом» учун

Ўзбекистон халқ шоири Нормурод Нарзуллаев (Нарзий) 1934 йил 7 июлда Қашқадарё вилояти Касби туманидаги Хўжахайрон қишлоғида таваллуд топган. Қарши педагогика билим юрти ва Самарқанд Давлат университетидан тахсил олган.

Шоирнинг илк китоби — «Суюнчи» тўплами 1965 йилда чоп этилган. У 30 га яқин шеърӣ китобларнинг, қатор сахна асарлари ва ҳужжатли фильмлар муаллифидир.

«Нарзий» тахаллуси остида қўшиқнавис шоир сифатида эътироф этилган. Шоирнинг 500 дан ортиқ қўшиқлари машҳур ҳофизлар ва истеъдодли ёш хонандалар репертуарларидан ўрин олган. Асарлари кўплад хорижий ва қардош халқлар тилларига таржима қилинган.

Нормурод Нарзуллаевнинг ўзбек адабиёти ва санъати соҳасидаги хизматлари муносиб тақдирланган. У «Халқ маорифи аълочиси», «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими», «Ўзбекистон Республикаси Халқ шоири» фахрий унвонларининг соҳиби. Республика ҳукуматининг Фахрий ёрликлари ва медаллар билан мукофотланган. Куйида шоирнинг янги шеърларидан намуналарни эътиборингизга ҳавола қилмоқчимиз.

ХАЛҚНИНГ ДУОСИДАН ЮРТ ЯШНАГАЙДИР

Кўз тегмасин ҳуснига,
Ўзим сираи тумори.
Оламлар жо кўксига,
Кетмас дилдан хумори.

Озод шахрим, нур шахрим,
Мафтунингман, кўҳна Шош.
Арзир минг бор, шон, фахрим,
Остонамга кўйсам бош.

Фавворалар қалбимдир,
Ишқим кўкка отлар.
Босган излар тилсимдир,
Тарих бўлиб битилар.

Ўзбекистон — хур элим,
Меъморига саламно.
Тавзимда икки қўлим,
Тошкентимга марҳабо!

Шаҳарлар кўп дунёда,
Тошкентим ягонадир.
Марварид шода-шода,
Пойтахтим дурдонадир.

ОСТОНАДАГИ ЎЙЛАР

Йиллар ва йўлларнинг сарҳисоби бор,
Йўллар ҳам, йиллар ҳам туташ
тақдирга.

Тарих ҳақиқатга далилдир иқдор,
Қолур муҳрларин бутун умрга!

Тарих китобининг зарварағида
Нажоткор инсоннинг
дастхати яшар.

Айланар олам ҳам кўз қароғида,
Барига гувоҳдир жумлаи башар!

Яхшилар изию донолар сўзи,
Хайли аъмоллар барқарор бўлғай.
Дунёни қузатар адолат кўзи,
Еру фалак меҳр нурига тўлғай.

Умид билан одам яшаса ҳалола,
Ният, орзулари бўлса бепоён.
Уни тарқ етмайди муҳаббат, висол,
Қалби бутунларнинг кўнгли бир
жаҳон!

Сахсийлик, саховат, қўли очиклик —
Дили очикларнинг меҳр дарёси.
Ўзбегимга хосдир олижаноблик,
Муруватпешалик — мурод дунёси.

«Шоҳ бўлмасанг, бўлгин сен бир
шифокор» —

Ҳинд халқин нақлида катта
ҳикмат ёр.
Соғлиқ, саломатлик — миллий
ифтихор,
Меҳнатин қадрлар, севар эл, Диёр!

Йиллар альпинистдай бири-бирига,
Қўл бериб, топширар эстафетасин.
Шифокорлар тушган эл назарига,
Юрт ўйлар баркамол авлод
эртасин!

Тинчлик, тотувликда, оғзи
бирликда—
Не ҳикмат борлиги халқимга аён.
Ватан келажиги — эрқу бирликда,
Меҳнат қилган кучгай зафар,
шараф-шон.

Йиллар ва йўлларнинг сарҳисоби бор,
Йўллар ҳам, йиллар ҳам туташ
тақдирга.

Тарих, ҳақиқатга диллардир иқдор,
Қолур муҳрларин бутун умрга!

ВАТАН ИЧРА ВАТАН — МАҲАЛЛА (Кўшиқ)

Истиқлол тоғидан элим озоддир,
Меҳнат билан бағри кўркам
ободдир.

Дўстлик меҳридан тинчлик,
омонлик,
Миллату элатлар бахтиёр, шоддир.

Нақорат:
Ватан ичра Ватан — маҳалла,
Гўзал ошён, чаман — маҳалла.
Киндик қони тўкилган замин,
Кутлуг, азиз маскан — маҳалла!

Аждодлар барҳайт пок иймониди,
Тириклар жонларин шухрат-шониди.
Халқнинг дуосидан юрт устувордир,
Файзу барака бор дастурхониди.

Нақорат
Бунда ҳоким эрур мурувват,
шафқат,
Ҳалол яшаганлар топажак ҳурмат.
Яхши, ёмон кунда яқин, ҳамдаминг,
Дилкашинг, дардоқашинг, шифо,
малҳаминг.

Ҳам отанг, ҳам онанг, суянган
тоғинг,
Кўзинг очган жойинг, борар
мақонинг.



Меҳр булоғидан кўкарсин боғинг,
Дунёга соғинамас нолус, виждонинг.
Нақорат

Инсон насибасин ердан топади,
Олий мартабасин элдан топади.

Эрки ёрлигиндан эли кўрклидир,
Йўмон, диёнатин дилдан топади.

БЕГОЙИМ (халқ йўлида)

Дукур-дукур от келди,
Қиқиб қаранг, ким келди.
Тулпорини ўйнатиб,
Қошимга бегим келди.

Дурра ўраб бошимга,
Йўлларига гул сочай.
Шошилайин қошига,
Оловли бағрим очай.

Тулпорин елларида
Шамол учар, ел учар.
Бўлсам гар ёнларида,
Албатта зафар кучар.

Бермас озор отига,
Гар қўлида қамчи бор.
Соғинчлари шунчаки —
Кўзларида томчи бор.

Тўрам, тўрам, тўражон,
Мен бегойим бўлайин.
Сизга садқа ширин жон,
Ўзбекойим бўлайин!

СЕН ЁЛҒИЗ ЭМАСАН! (Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига)

Сен ёлғиз эмасан, болажон,
Биз учун азизсан, жонанжон!
Бошингни сийлайди Ватанинг,
Эл учун бағишла жон-танинг!

Нақорат:
Кўзимизнинг қароғлари —
болажонлар,
Уйимизнинг қароғлари —
болажонлар!

Бағри кенг инсонлар бор бўласин,
Бахтли кун сизларга ёр бўлсин!
Нақорат

Бор бўласин мусавффо осмонлар,
Меҳрга айлансин жаҳонлар!
Нақорат

Кўшиқлар таралсин оламга,
Бўйлақ дунёни кўк ранга!
Нақорат

Кўзимизнинг қароғлари —
болажонлар,
Уйимизнинг қароғлари —
болажонлар!

(Давоми. Боши ўтган сонларда.)

Хиротдан шимол-шарқ томон ўн фарсах масофада бир тоғ чўққисиди ўрнашган, ичида уни муҳофазат қилувчиларга етарли сув берувчи бир неча чашмаси бўлган ва бундан бир неча йил илгари ҳазрат ҳокони саъид уни таъмир қилишга буюриб, тош ва ганч билан маҳкамланган Нирату хисори фатҳ қилинди. Охазрат Шоҳрухнинг вафоти воқеасидан кейин мирзо Алоуддава кўп хазиналар ва ҳисобсиз нақд пулларни у ерга элтиб, хисорни ўз ишончли кишисига топширган эди. Бу хисор ҳақида Фаридуннинг хеш ақраболари душманлар голиб келган вақтда бу қалъани қуришга киришганлар, деган сўз машҳурдир.

Юқорида айтиб ўтилганидек, жаҳон ганжлари билан тўлатилган, кўп нақд пуллар сақланиб, Оқо Ҳожибек назорати остига топширилган Ихтиёрдин хисори, у ерда бир неча вақт ҳибсда ётган мирзо Абдулатифнинг саъй ҳаракати билан фатҳ этилди ва мирзо Улуғбек ўша хисорга бориб, охазрат /Шоҳрух/дан қолган хазиналарни олди. Ҳазрат ҳокони саъид Ироқ томон отланган вақтда мирзо Абдулатиф у хисорга беркитиб қўйгани бир неча минг мисқол тилла ҳамда бошқа зар ва қумуш идишлар ва икки юз тумон нақд пулни Мирзо Улуғбек ундан олиб қўйди. Мирзо Улуғбек Хуросон фатҳидан қўлга кирган ғаниматларидан ўғлига бирор нарса иноят қилмаганини устига, унинг шахсан ўзига тегишли нарсалардан ҳам қисиб қўйди. Ана шу жиҳатдан ўғил отадан хафа бўлиб қолди.

Мирзо Улуғбекнинг шу кунларда зоҳир қилган мақтовли қилмишлари ва маъқул ҳислатларидан бири шунки, у шариятпарвар жаноб, теран уламоларнинг раҳбари, муҳаққик фақиҳларнинг афзали Оллоҳ уни тинч сақлаб умрини боқий қилгур мавлоно Қутбуддин Аҳмад ал-Имомийга тарбият кўрсатиб, қозилик олий мансабини унга топширди ва бу олий мансабни у жанобнинг дарс ва фатво вазифалари устига қўшимча қилди, яна муртазойи аъзам, барча вазирларнинг дастури амир Саййид Имо-дуддин ибн Саййид Зайнулобидин Хунободийга вазирлик мансабини бағишлаб, аъло девонининг молу манол ишларини унинг гўзал қобилияти ва нозик билими ихтиёрига топширди.

Амир Халилуллоҳ Шервоний Хиротта юборган ва ҳазрат ҳокони саъид Самарқандга жўнатиб, мирзо Улуғбек ушбу юришда у ердан Хиротга олиб келгани амир Искандар туркмоннинг ўғли амирзода Ер Алини ундан содир бўлган бир фитна туфайли Мирзо Улуғбек шу аснода

Абдураззоқ САМАРҚАНДИЙ

«МАТЛАЪ-И САЪДАЙН ВА МАЖМАЪ-И БАҲРАЙН» АСАРДАН БОБЛАР

бандга олдириб ҳамда бундан илгарироқ бандга олинган амир Султон Абу Саъид доруғага қўшиб, ишончли кишилар қўлига топширди ва Нирату хисорига жўнатди. Зафар билан нишонланган узанги эса Машҳади муқаддас томон ҳаракатга келди.

Шу кунларда тақвошиор жаноб, буюк муфассирларнинг шайхи, малик ва султонларнинг насиҳатгўйи, миллат ва диннинг тожи Аҳмад ал- Коризий Хиротнинг маҳруса-сида ягона тангрининг раҳмати қўйнига кирди ҳамда ўзининг бузурғвор бувага бўлиш мураббий пир ҳақиқат ва диннинг низоми ундан Оллоҳ рози бўлиб раҳматини ёғдир-гур мавлоно Шайхулислом Низомиддиннинг нурли мазо-рига дафн этилди.

МИРЗО УЛУҒБЕК КЎРАГОННИНГ МАШҲАД ВА ХУРОСОННИНГ БОШҚА ШАҲАРЛАРИГА ЮРИШИ

Мирзо Алоуддава Тарноб жанг майдонидан отилган ўқдек қочиб чиқиб то Машҳади муқаддасга етгунча ҳеч бир жойда тўхтамаганини ва у ердан Хабшун вилоятига бориб, мирзо Абулқосим Бобур билан учрашганини ва улар орасида ҳар турли келишувлар воқе бўлиб, ҳар икки биродар бир-бирлари билан иттифоқ тузганликлари юқорида айтиб ўтилган эди.

Қочган лашкардан бир тўдаси келиб уларга қўшилган, катта бир гуруҳ ҳосил бўлди. Мирзо Улуғбек улуғ амирлар ва баҳодирлардан иборат бир неча минг суворийларни қочқинлар кетидан юборган эди, улар Жом вилоя-тига бориб, куч ва зўравонлик намуналарини кўрсатди-лар, сўнг қайтиб келиб ака-укаларнинг иттифоқ тузган-ликлари ва уларнинг тўпланишганликлари шарҳини арзга етказдилар.

Мирзо Улуғбек бу хабарларни эшитиб ахволдан огоҳ бўлган, жаҳонпаймо самандини Машҳади муқаддас томон сурди. Зафар оятлари битилган байроқлар доруссалтана Хиротдан жўнатишга келди. Машҳади муқаддас ва ша-рафли қабрга етган, ҳазрати Имомни, унга ҳурмат ва саломлар бўлсин, — зиёрат қилди ҳамда сайидлар ҳам мух-тожларга турли-туман инъом ва садақалар улашиб, бир неча кунни бу шарафли шаҳарда давлату саодат билан ўтказди; бир тўда амирларни Имом қалъасини олиш учун юбориб, у ерда яшовчиларга амну амонлик ваъдаси ха-барини етказди.

Бу қалъа ғоятда бақувват ва юқори даражада мустах-кам бир қалъа бўлиб, унда турувчилар фалаклар мустаб-бихлари гулгулсидан огоҳ, у ерда яшовчилар офтоб ва ой билан ҳаминиш эдилар; қалъаларни фатҳ қилишда қўланиши мумкин бўлган манжанах, аррода, муҳосара ва булардан бошқа турли-туман хийла-асбоблар - ҳамма-си бу қалъага нисбатан етти фалак айвонига нисбатан шамол таъсиридек эди. Байт:

Ҳодисалар тошидан осмон буржиги нима зарару,
Бахтсизлик шамолдан юлдуз шамъига нима зиён?!

Қудратли султонларнинг орзу лочини у шухратли қалъа-ни эгаллаш орзусида парвоз қилгану, лекин кўп саъй-ҳаракатлардан кейин охири маънос ҳолда орқага қайтган. Мирзо Алоуддава ҳазрат ҳокони саъид замонида у қалъа-ни тузаттирган ва кўп нақд пулу жавҳарлар ҳам беҳадду қиёс қийматбахо буюмларни, хусусан, мирзо Улуғбекка қарши урушга отланган вақтда, у ерга тўплаган эди.

Мирзо Улуғбек у қалъани хийла ва тадбир билан эгал-лашни тасаввур қилиш ҳам мумкин эмаслигини, уни олиш фақат тақдир қўлида эканлигини тушушган, у тарафга юборган амирларга қайтишга ҳукм қилди. Сўнг зафар ни-шонли байроқлар Родикон майсазори томон йўл олиб, Родиконнинг чаҳорбоғида бир неча кун турди; ғалаба ши-орли байроқлар Сурайё тепасигача кўтарилди.

Шу ерда мирзо Абул-Қосим Бобурнинг элчиси келиб, тухфа ва ҳадялар қўйди ҳамда хутба ва пул зарбини мир-зо Улуғбек номига бажаришни қабул этиб, ўз илҳоси на-қдини тамоман мусаффо қилди. Мирзо Улуғбек подшохо-на иноят ва марҳаматлар буюриб ва келган кишини му-носиб тарзда сийлаб, қайтиб кетишига ижозат берди. Бироқ элчи кетидан йўлга чиқиб, то Исфаҳон вилоятига етгунча юриш жойини тортмади, у ерга етган, йиғирма кун давомида у қасаба ташқарисиди илоҳий, соя соябо-нини тиклаб турди. Мирзо Абдулатиф ва мирзо Абдул-лоҳ Шерозийларни катта тўда билан Бистом вилояти то-мон йўллаб, мирзо Султон Абдуллоҳ Астробод вилоятига кирсин ва десиват мазандаронликларга куч ва қудрат намуналарини кўрсатсин, деб буюрди. Ҳар иккала шахзо-да буруққа биноан ишга киришдилар. Мирзо Улуғбек эса Пули Абришимгача бориб, сўнг орқага қайтиб.

Форсчадан Асомидин УРИНБОВ таржимаси.

(Давоми бор.)

ИНТЕРНЕТНИНГ ИЖТИМОЙ ВА ҲУҚУҚИЙ АҲАМИЯТИ



али энг охириги маълумотларни, янгиликларни билиб олишингиз мумкин. Бугунги кунда мамлака-тиш ҳудудиди рўйхатдан ўтган сайтлар сони 4 мингдан ошган.

Аммо, бу яратилган имконият-лардан ўзининг гараз мақсадла-рини қўзлаб фойдаланаётганлар ҳам топилади. Бундай кишиларни оддий тил билан айтганда «хакке-р»лар дейишади. Интернет олами-ни ич-ичигача ўрганган бу шахс-лар ғайриқонуний йўллари излаб топиб, катта-катта жиноятлари-ни амалга оширишади. Жумладан, йи-рик корхона, фирма ёки амалдор

шарҳларнинг бандаги ҳисоб ра-қамига кириб пулларни ўзлашти-радидилар. Ёки кириш паролларини ўзгартириб қўйишади. Бундан та-шқари, «хаккер»лар ноқонуний веб-

қаришдан бир-икки кунга тўхтаб туришга тўғри келади. Бунинг йи-рик корхоналар учун нималигини тасаввур қилиш қийин эмас. Кей-инги вақтларда бундай компью-тер «усталаридан» кўплад ман-сабдор шахслар ва фирма, кор-хоналар азият чекишмоқда. Тўғри, бу ҳол бизнинг мамлака-тишда учрамастлиги мумкин. Бу-нинг алоҳида сабаби бор... Ле-кин, юқорида таъкидланган уч ҳолатнинг иккитасидан ҳар доим ҳам эҳтиёт бўлиб юриш керак. Сабаби, ҳозирда Европада уду-м бўлиб қолган амалдорларнинг пу-лини интернет орқали ўзлашти-риш анча эскирган усул десак ҳам бўлаверади. Ёхуд 500 АҚШ доллари тўлаб очиладиган рас-мий веб-сайтлар орқали ўси-риб ва ёшларни ўзларига жалб қилиб ҳар хил нотўғри маълумотлари билан уларнинг тасаввур олами-ни ўзларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари билан тўлдириб энг оддий йўллардан бири ҳисобла-нади. Шуларни ҳисобга олган ҳолда «хаккер»ларнинг ноқонуний фаолиятларига қеч қўйиш мақса-дида Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексида алоҳида мо-да ажратилган.

Ҳозирда нафақат мамлаката-мизда, балки халқаро ташкилот-лар, кўплад мамлакатларда ком-пьютерлардан ғайриқонуний йўллар билан фойдаланаётган-ларга қарши қатор қонунлар қабул қилинмоқда.

Нилуфар АШУРОВА,
Тошкент Давлат юридик
институтини талабаси



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Кардошинг эмас улки кўйиб бош сенга,
Давлат чоғи қилғай ўзни қўлдош сенга.

НАВОИЙ

ҲИКОЯТ. Бир ҳақим шундай деган эди: "Ҳар ким-да олтин зар қанчалик кўп бўлмасин, агар у беҳу-нар бўлса, ҳолсиз дарахтдир".

ХУРРАМИЙ

Бир кунлик тарихга эгадир жаҳон,
Юз йиллик бойлиқни қилмайлик пинҳон.
Кел, бунда ўтириб, бўлайлик бир шод,
Тасаввур қилайлик ўзни Кайкубод.
Дунё роҳатидан талаб қилиб дод,
Кечаю эртани айламайлик ёд.

Низомий ГАНЖАВИЙ

Сен нафсинг лаззатини ўйлама,
Ушбу ўткинчи ҳавасни сўйлама.
Қанча давлат йиғмаю, дема молим,
Оқибат олдинда бордир шум ўлим.
Бу азиз танданки жон бўлғай равон,
Ҳоку тупроқ бирла тўлғай устухон.
Жон берар тан — чораси йўқ, бечорадир,
Йўл оздиргучи нафс амморадир.

Фариҳиддин АТТОР

Худой ҳар на берса қил қаноат,
Юракни қилма миннатидин жароҳат.
Бу меҳнат бирла топсанг парча нон,
Кишининг миннатидин улдур осон.
Агар тош чайнаса элдин чиқиб тош, —
Кишига эгмағай ҳимматли қул бош.

Сўфи ОЛЛОЁР

Ер остида қолган бойликдан, яширилган олтин-дан ва бекитилган илмдан фойда йўқ.

"ОТАЛАР СЎЗИ"

Фанларнинг фойдаси улар ёрдамида олтин ва қумушларни қўлга киритиш эмас, балки улар ту-файли зарур нарсаларга эришишдир.

Абу Райҳон БЕРУНИЙ

ҲИҚМАТ. Бойлик ўткинчи нарсасидир. Ақлли киши ўткинчи ҳою-ҳавасга берилмайди. Байт:
Бойлигинг роҳатинг бўлса ҳам сенга,
Фано губоридан бўлади барбод.
Ҳақиқий бойлиқни кирит қўлингга,
Икки кунлик нарса учун бўлма шод!

Муиниддин ЖУВАЙНИЙ

Ҳисобсиз мол йиққан билан одам саҳий бўлол-майди.
"ҚЎРҚИТ ОТА КИТОБИ"

Букрот ўз шогирдларига насиҳат қилиб дерди:
"Баттар фақир бўлмай десангиз, мол йиғишга ҳарис бўлманг. Молу амвол ғаму андуҳнинг кўзидир. Адо-лат энг яхши нарса. Чунки у жамики яхшиликни муҳассам қилган!"

"ЖОВИДОНИ ХИРАД"

Эшитиб ота-онанинг
Сўзларини қадрла.
Молу мулқинг кўпайса,
Мағрурланиб кутурма.

Маҳмуд ҚОШҒАРИЙ

Киши учун ногаҳоний ўлим икки нарсадан кела-ди: ортиқча бойлик учун интилишдан ва бемаъни сўзларни кўп гапиришдан.

Мол-дунё тугайди, аммо яхши ишлар

абдий қолади.

Биров ер, биров боқар, қиёмат шунда кўпар.

"ОТАЛАР СЎЗИ"

ҲИКОЯТ. Бир подшо ўз мол-мулкнинг кўпчили-дан фахрланиб, илм аҳлини менсимай қўйган, ўз ихтиёрича иш тўтиб, фиску фужурга берилган эди. Бир кун у бориға қаноат қилиб, камтарлик йўлини тутган доно ҳақимга дуч келиб қолди ва унга:
— Эй ҳақим, нимани хоҳласанг тила, сўровингни муҳайё қиламан! — деди.

Ҳақим:

— Шундай қилки, ажал ҳеч қачон бошимга соя солмасин! — деди.

— Бу иш менинг қўлимдан келмайди, — деди подшо.

— Бўлмаса, — деди ҳақим, — қарилки мавсуми кетиб, ёшлик айёми қайтиб келсин!

— Бу иш ҳам қўлимдан келмайди! — деди под-шо.

— Орамизда фарқ йўқ экан-ку, — деди ҳақим шунда, — мен қилолмайдиган ишни сен ҳам қилол-мас экансан, аммо сенда мол-давлат кўп бўлгани учун, қибр отига миниб, манманликка бериласан. Мен эса топганимга қаноат қилиб, ҳеч кимга ялин-майман, демек мен ҳам ўзим учун подшоам!

Муҳаммад Жавҳар ЗАМИНДОР

Султондур ул гадоки бузуқ қулбаси аро,
Осудадур топила бирор пора нон аго.

ОҒАҲИЙ

Ҳақимлар айтади:

— Кувватинг етмаган ишга қўл урма, фойдасиз ишларга уринма, молу давлатинг қанчалик кўп бўлсада, унга ишониб иш тутма!

Муҳаммад ЗЕХНИЙ

Давлат гоҳи келиб, гоҳида кетар,
Бефаҳм кишилар ўзини йўқотар!

Низомий ГАНЖАВИЙ

Пул молга бўлган ташналик сувга бўлган таш-наликдан кўра даҳшатлидир.

Муҳаммад ЗЕХНИЙ

Фариб дарвишни зинҳор кўрмағил хор,
Ким анинг ҳам еринда иззати бор.

КУТБ

Маҳмуд ҲАСАНИЙ, Ҳамиджон ҲОМИДИЙ

тайёрлашган

ЧИЛОНЗОР ТУМАНИДАГИ 66-МАХСУС МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ
МАКТАБИДА ИМКОНЯТИ ЧЕКЛАНГАН БОЛАЛАР ТАЪЛИМ-
ТАРБИЯ ОЛАДИЛАР. ШУНГА ҚАРАМАЙ ЎҚУВЧИЛАР МАЛАКАЛИ
ЎҚИТУВЧИЛАР ЁРДАМИДА ЎҚИШДА, МЕҲНАТДА, СПОРТДА БИР
ҚАНЧА ЮТУҚЛАРГА ЭРИШМОҚДАЛАР.

Болалар спорти

ЮКСАК МАҚСАДЛАРНИ КЎЗЛАБ

Ўқувчилар айниқса спортга жуда қизиқадилар, бўш вақтларини кўпинча спорт залида ўтказадилар. Шу сабаб-дан, махсус меҳнат таълими мактаби-да ўзига хос спорт мусобақалари тез-тез ташкил этиб турилади.

Яқинда мактабда спартакиаданинг 1-босқичида енгил атлетика, шашка теннис ва мини футбол бўйича мусо-бақалар ўтказилди. Бу ўйинларда мак-табнинг барча ўқувчилари иштирок этиб, қуйидаги ўқувчилар ғолибликни қўлга киритдилар: Равшан Ўраҳўжа-ев, Саба Миронов, Катя Володина, Юлдуз Молдабекова — 60 метрлик ма-

софага югуриш бўйича, Рустам Зоки-ров, Баҳодир Насриддинов, Ирина Нуштаева, Муҳайё Одилова — шашка бўйича. Енгил атлетика бўйича ғолиб бўлган 8-"Б" синф жамоаси ўтган йили ноябрь ойида Тошкент шаҳрида ўтка-зилган Ўрта Осиё мамлакатлари II мах-сус олимпиадаси "Special Olimpijs" му-собақаларида пойтахт номидан ишти-рок этиб, узунликка сакрашда Руслан Мелодиев олтин медални, 60 метрлик масофага чопишда Саба Миронов — кумуш медал, Рита Богомоллова эса бронза медалларининг соҳиблари бўлишди.



Мини-футбол бўйича ўтказилган му-собақада мактаб командаси фахрли II ўринни эгаллаб, унинг 7 аъзоси кумуш медал билан тақдирланди. Бу ютуқлар-га эришишда мактаб жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Рашид Сафариевнинг хиссаси каттадир.

66-махсус меҳнат таълими мактаби ўқувчилари юқорида қўлга киритган ютуқлари билан чекланиб қолмасдан, III Ўрта Осиё давлатлари "Special Olimpijs" олимпиадасида иштирок этиб яна ме-даллар шодасини қўлга киритишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар.

(Ўз муҳбиримиз)

СУРАТДА: Ўрта Осиё мамлакатла-ри II махсус олимпиада ўйинлари-нинг кумуш совриндорлари.



Киш зийнати қор билан.



Бахтиёр Содиқов олган суратлар.

ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТ НА ЁШ, НА ЖИНС, НА МИЛЛАТНИ ТАН
ОЛАДИ. КЎПГИНА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ОЛДИНДАН БАШОРАТ
КИЛИНИШИГА ҚАРАМАСДАН УЛАР ОДАТДА, ТЎСАТДАН ЮЗ БЕРАДИ.
ДЕМАК, БИЗ ҚАЧОН ВА ҚАЕРДА СОДИР БЎЛМАСИН ФАВҚУЛОДДА
ВАЗИЯТНИ ТЕЗДА ИЛҒАЙ ОЛИШЛИККА, РУҲИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ
ҚЎЛДАН БЕРМАГАН ҲОЛДА ТЎҒРИ ҲАРАКАТ ҚИЛИШГА, ЎЗИМИЗГА ВА
АТРОФИМИЗДАГИ ШИКАСТЛАНГАНЛАРГА БИРИНЧИ ТИББИЙ ЁРДАМ
КЎРСАТА ОЛИШЛИККА ҲАР ДАҚИҚАДА ТАЙЁР ТУРИШИМИЗ ЛОЗИМ.

Фавқулодда вазиятлар бошқармаси

фаолиятидан

ЁШЛАР КЎНИКМА ВА МАЛАКАСИ ОШИРИЛМОҚДА

Юқорида санаб ўтилган билим, кўник-ма ва малакага факатгина мунтазам уз-луксиз таълим бериш орқалигина эришиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг "Аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамада техноген ҳуус-даги фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 18-мод-дасида шундай дейилади: "Умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, касб-хўнар қосилежлари ҳамда олий ўқув юрт-ларида, ишлаб чиқариш ва турар жойлар-да аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳара-кат қилишга ўргатиш умумий ва мажбу-рийдир". Бу Қонуни бажариш борасида Тошкент шаҳри ҳудудидаги таълим муас-сасаларида, яъни умумий ўрта таълим мак-табларида "Ҳаёт хавфсизлиги асослари" ўқув курси жорий қилинган бўлиб, бу курс жисмоний тарбия, биология ва кимё фан-лари таркибида 1-4-синфлар учун 6 соат-дан, 5-9-синфлар учун эса 8 соатдан маш-гулотлар алоҳида дастур асосида олиб боришмоқда. Умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари, академик лицей ва касб-хўнар коллежларида "Чақириқча-ча ёшларни тайёрлаш" фани негизида, олий ўқув юртларида "Фуқаро муҳофаза-си" фани ўқитилиб, ёш авлоднинг хавф-сизлик масалалари бўйича кўникмалар олишига ва атрофдагиларнинг хавфсиз-лигини таъминлаш борасида назарий ва амалий машгулотларда ўргатилмоқда.

Аввало, бу вақтга қадар мактабларда асосан оммавий қирғин қуролларидан му-ҳофаза қилиш (Фуқаро муҳофазаси) мав-зусига доир дарсликлар, собиқ шўролар давридан "мерос" бўлиб қолган ўқув-кўргазмалар материаллар мавжуд бўлиб, улар замонавий талабларга жавоб бера олмасди. Бошқарманинг сая-ҳаракати ва ўқув муассасалари раҳбарлари буйруқла-ри билан махсус курслар ўқитувчилари аниқланди ва асосий дарслари ҳисобидан машгулотларни олиб боришлари белгилан-ди. Тошкент шаҳар Фавқулодда вазият-лар бошқармасининг мутахассислари то-монидан ҳар йили 7 соатлик дастур асо-сида махсус фан ўқитувчиларининг тай-ёргарликлари ўқишлари ташкиллаштирил-ди. Бунинг натижасида Тошкент шаҳри ҳудудидаги ўқув муассасаларида алоҳи-да тажрибага эга бўлган, намуна сифати-да бошқаларга ўрнак бўла оладиган, қўйилган талабларнинг ўз вақтида ижро-

сини таъминлаётган ўқитувчиларнинг сони кўпайётганлиги қувонарли ҳол эканлигини алоҳида таъкидламоқчимиз.

Масалан: Тошкент шаҳри ҳудудидаги 29 та олий ўқув юртлари ичида Низомий но-мидаги Тошкент Давлат педагогика уни-верситети, 115 та ўрта махсус, касб-хўна-р таълими муассасалари ўртасида инфор-матика коллежи ва Тошкент Давлат тех-ника университети қошидаги компьютер технологиялари академик лицейи ва 324 та умумий ўрта таълим мактаблари ўрта-сида 110, 131 ҳамда 70-сонли ўрта мак-табларда олиб борилаётган ишлар эъти-борга лойиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири — Фуқаро муҳофазаси бошлигининг 2005 йил 12 январдаги буйруғида "Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазир-лигига икки ой муддатда тегишли вазир-лик ва идоралар билан ҳамкорликда ало-ҳида ўрта мактаблар, коллеж ва лицей-лар, олий ўқув юртлари ҳамда мактабгача таълим муассасалари учун ягона ўқув дастурлари ишлаб чиқилиб, Фавқулодда ва-зиятлар вазирлиги билан келишилган ҳолда 2005 йил сентябргача қучга кири-тилсин" деган вазифа қўйилган эди. Ле-кин афсуски, йил охиригача бу вазифа ўз ижросини топмади, қайта-қайта қўйилган топшириқлар бажарилмади.

Таълим узлуксиз бўлиши учун тарбия боланинг илк гўдаклик чоғидан бошланиб умрининг охирига қадар давом этиши ло-зим. Муҳофаза асосларидан сабоқ бериш мактабгача таълим муассасаларида бош-лаб, умумий, ўрта махсус ва олий таълим даражасида давом этиб, халқ ҳўжалиги объектлари ходимларию ишлаб чиқариш-да банд бўлмаган аҳоли гуруҳларигача қамраб олиниши керак. Мактаб дари эса ёшларга ҳаётий фаолият хавфсизлигини ўргатиш учун энг қулай давр ҳисоблана-ди.

Отабек ШОҲСУПОВ,
Тошкент шаҳар Фавқулодда
вазиятлар бошқармаси
"Аҳолини тайёрлаш маркази"
бошлиғи, катта лейтенант,
Ҳамза ШОДИЕВ,
етакчи мутахассис,
Хуснияҳон ТОҶИБОВЕВА,
бошқарма матбуот гуруҳи ходими.

Мунажжим башорати

ИДРОК ЭТИЛАДИГАН КҮН

27 ЯНВАРЬ, ЖУМА

МУНАЖЖИМ Г.МАГНОЛИЯ ТАВСИФИДАН БОШЛАЙДИГАН БЎЛСАҚ,
БУГУНГИ КҮН ҲАЁТ ҲАҚИҚАТЛАРИ, ЯШАМОҚ ҚУВОНЧИ ИДРОК ЭТИЛАДИГАН
КҮН. СВЕТА ДЕНЬ ЭСА, МАЗКУР ЖУМАНИ УЙҒУНЛИК ВА МАЙДА НАРСАЛАР
ОРТИДАГИ УЛУҒЛИКЛАРНИ КЎРА ОЛИШ ҚОБИЛИЯТИ БИЛАН БОҒЛАЙДИ.

Уларнинг ҳар иккаласи ҳам кунни кўтаринки руҳда ўтказишни тавсия этишади. Бугун рўй берадиган барча воқеа-ҳодисалар тақдир тақ-қозоси бўлиб, уларни факат салбий мазмунда қабул қилиш керак эмас. Биз яшар эканмиз, бўлиши олдиндан белгиланган воқеа-ҳодиса-лар доираси ҳам ўз ҳаракатини давом эттира-ди. Энг кичик — арзимас ҳодисалардан тортиб уларнинг барчаси келажақдаги аҳолиимизни белгилловчи илк нўқталардир ва улар айни пай-тда ўтмиш натижаси ҳамдир.

Кўпгина мунажжимлар бугунги кунни туш қўриладиган махсус кун ёки башоратли туш қўриладиган кун деб тавсифлашади. Ал-батта кўрган тушларингиз моҳиятини чуқурроқ англаб, олинган ахборотлардан фойдаланишга

ҳаракат қилинг. Бу кеча қўрилган тушлар ҳар бир инсоннинг шахсий ҳусусиятлари ва ода-тий қарашларига кўра индивидуал таъбир қили-нади.

Асаб тизими ва кўзлар бугун заифлашган ҳолатда бўлади (кўзни қамаштирадиган катта ёруғлик манбаларига қарамаган). Оёқ бўғимла-ри ҳам ҳасталиқларга мойил бўлади. Бугун гўш ва ҳазми оғир таомлардан ўзингизни торта-нингиз маъқул. Суяқликларни меъёрида ис-теъмол қилинг.

Очик ва тинчлантирувчи ранглардаги либос-ларни кийишга ҳаракат қилинг. Ёрқин ранглар-дан, айниқса қизил ва зарғалдоқранг либос-лардан узоқроқ бўлинг. Мис ва қумушдан иш-ланган зеб-зийнатларни тақийш хайрли бўлади.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**ЎРТА МАХСУС КАСБ-ХўНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ
ТОШКЕНТ РАДИОТЕХНИКА ВА АВТОМАТИКА
КАСБ-ХўНАР КОЛЛЕЖИ
2006-2007 ЎҚУВ ЙИЛИГА ҚўЙИДАГИ
МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА УМУМТАЪЛИМ
МАКТАБЛАРИ БИТИРУВЧИЛАРИНИ
ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:**

- ◆ Радиотехника ва телеаппаратураларни таъмирлаш ва ишлатиш.
- ◆ ЭХМ оператори, ЭХМ дастурчиси. Компьютер тармоқлари жиҳозларини ўр-натиш.
- ◆ Компьютер ва офис жиҳозларини таъмирлаш ва ишлатиш.
- ◆ Уй жиҳозларини таъмирлаш устаси.
- ◆ Бухгалтерия ҳисоби.
- ◆ Офис менежери.

Ўқиш муддати — 3 йил

Тўлов контракт асосида. 11-синф битирувчилари учун:
1. ЭХМ ва автоматлаштирилган тизимлар учун дастурлаш.
2. Радиотехника ва телеаппаратураларни таъмирлаш ва ишлатиш.
Ўқиш муддати — 2 йил, ўқиш шакли — кўндүзги.
Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Сизга ёрдам бериш мақсадида 2006 йил январь ойида очилган
ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИГА ТАҚЛИФ ЭТАМИЗ.
Тайёрлов курсларининг умумий тўлови — 15.000 сўм.

Ўхжатлар 15 августга қадар қабул қилинади.

Қўшимча маълумотларни: 116-60-71, 116-76-16 телефонлари орқали олиш мум-кин.

Манзилими: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 20-мавзе, Катта-Қаъни кўчаси, 52-й.

Транспорт: 69-автобуснинг «Радиотехника коллежи» бекати.

17-трамвайнинг «Радиотехника коллежи» бекати.

9, 11, 54-махсус йўналишдаги таксининг охириги бекати.

6-троллейбуснинг охириги бекати.

Консултив марказининг қабул вақти соат 8.00 дан 16.00 гача.

Шанба кун соат 8.00 дан 14.00 гача.

Тошкент вилояти, Тошкент туманидаги 16- ўрта мактаб томонидан 1989 йилда Исҳоқова Муҳаббат Атамбоевна номига берилган № 772024 рақамли аттестат йўқол-ганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г-308

Бош муҳаррир
Акmal АҚРОМОВ

Манзилими: 700000,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95,

136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.

5218 нусхада босилди.

Қоғоз бичимий А-2

Газета Тошкент шаҳар

Матбуот ва ахборот

бошқармасида 02-1-рақам

билан рўйхатта олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,

пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар

жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент

почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат

қилишнингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер

марказида терилди ва сақланади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.